

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 51 (7028)
1999 йил 30 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

СОҒЛОМЛИК КЕЛТИР, ЯНГИ ЙИЛ!

Бирин-кетин кунлар ўтиб йил ҳам охирлаб қолди. Бундан бир йил муқаддам Президентимиз 1999 йилни “Аёллар йили” деб элон қилган эдилар. Ўша дамларда кўнглимизда эзгу ва самимий тилаклар бор эди. Лекин февраль воқеалари, Янги-ободдаги отишмалар биз ёшлар онгида умрбод қоладиган бўлди. Ушбу террорчи кимсаларга нафратимиз чексиздир.

Чунки бизнинг ўзбек халқимиз тинчликпарвар халқ. Шунинг учун ҳам ундан ҳали жуда кўплаб етук, буюк инсонлар чиқиши шарт! Ҳадемай 2000 йил бошланади. Лекин барибир аёлларга эътибор, ҳурмат доимо давом этади ва абадий қолади.

Мен фурсатдан фойдаланиб, барча тенгдош-у устозларнинг янги йил билан чин юракдан табриклайман. Соғлом авлод йилида соғлик-саломатлик доимо барчамизга ёр бўлсин.

Барно АБДУРАҲМОНОВА,
Собир Раҳимов тумани,
23-мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

ФАРРОШ ҲАМ ОНАМИЗДЕК

Ғафур Гулом номли 9-мактабга борганимда, у ердаги тартиб интизомни кўриб рости ҳавас қилдим. Дарсга кўнғироқ чалинишидан 10 дақиқа олдин иккинчи сменадаги ўқувчилар синф-синф бўлиб, саф тартиб мактаб остонасига қадам кўйишди.

Бироқ, эшик олдида меҳр кўзи билан болаларга қараб турган фаррош холага ҳеч бир ўқувчи салом бермади. Мен ўша фаррош хола билан турганим учун жуда ҳам уялиб кетдим. Мактабдаги барча тартиб-қоидаларга риоя қилган ўқувчилар наҳотки катталарга салом беришни билишмаса? Ёки фаррошларга салом бериш шарт эмасми? Ахир инсоннинг етуклиги, комиллиги унинг одобу-ахлоқи ҳам боғлиқ-ку. Янги йил, сендан умидим, юртдошларимга меҳру-оқибат, эътибор ва соғлом эътиқод олиб кел!

Дилдор ТҮЙЧИЕВА,
талаба.

Ўстедодлар Ватани

Яқинда Каттақўрғонинг ҳашамдор биносига шаҳар мактаб ўқувчиларининг «Ёшлар - келажак пойдевори» деб номланган баҳс-мунозара кечаси ўтказилди.

Унда 10-11- синф ўқувчилари Президентимиз юргизаётган одилонга сиёсатдан нечоғли хабардор эканликларини намойиш қилишди. «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Хотам Сирождидинов ўқувчиларга турли саволлар билан мурожаат қиларкан, аниқ ва тўғри жавоблардан тўлқинланиб,

«Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк, чунки Ўзбекистон истеъодлар ватани», - дедилар. Шу кунни аниқса, Очилмурод Мирий номидаги 2- ўрта мактаб ўқувчиси Отабек Абдуллаев, 16- ўрта мактаб ўқувчилари Мадина Ҳамроева, Назира Кўбаева, 14- ўрта мактаб ўқувчиси Дилшод Муродовлар тенгдошларига нисбатан фаол иштирок этишиб, бугунги долзарб мавзуларни етарли билиши ва ўзига қатъий ишончи борлигини намойён этишди.

Каримжон СОАТОВ,
Самарқанд вилояти.

«ПОРТЛАТГИЧ»ЛАР БИЗГА ЁТ

Келаятган янги йил «Соғлом авлод» йили деб эълон бўлгач, катталар қатори кичиклар ҳам бирдек хурсанд. Мустақил республикамиз тараққиёт пиллапояларидан ривожланиш сари одимлаётган бир пайтда ҳар бир инсон ўзининг фойдали фаолияти билан юрт равнақига ҳисса қўшиб бориши керак.

Лекин кўчаларда, мактаб бурчакларида сигаретни эслатувчи портловчи моддаларни ўйнаётган болаларни кўриб нега индамай-миз? Аниқса, байрам яқинлашиб келаятган паллада ўша портлатгичларнинг бозори чаққон.

Болани бола десак, катталарчи? Нега шундай ёмон нарсаларни сотишади? Ахир ўша портлатгичлар оқибатида қанчадан-қанча болалар шикастланган-ку.

Нима бўлганда ҳам юрт тинчлиги, болалар саломатлиги бугун барчамизни ўйлантirmoғи шарт. Ёмон иллатларга қарши курашиш барчамизнинг вазифамиздир.

Умида САОДАТОВА,
ТошДУ журналистика
факультети талабаси.



МЕН ҚОРБОБО БЎЛАМАН

Биласизми, Янги йил,
Мен Қорбобо бўламан.
“Тановор” у, “Лазги”га
Ҳатто ўйнаб бераман.

Бу ниятда кўп ишни,
Мўлжал қилиб қўйганман.
Соқол учун болишдан,
Анча пахта юлганман.

Буважоним яктагин,
Кийиб кўрсам тушди мос.
Ҳассадан ҳам кўнглим тўқ,
Бувим рози бўлса бас..

Валинка дадамники,
Оқлаб қўйдим билдирмай,
Янги йилда бўларми,
Болаларни қулдирмай.

Қопчигимда совғалар,
Лим-лим бўлар шу кунни,
Суюкли ойижоним
Олиб берсалар уни...

Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ,
Туркистон шаҳри.



ЁНИНГИЗДА ҚИЗЛАР БОР

Ҳозирги замон йигитлари қандай бўлиши керак? Ана шу мавзуда синфимизда суҳбат ўтказдик. Асосий қизлар йигитларнинг одобли бўлишини, қизлар олдида ҳар хил гапларни айтмасликларини хоҳлашаркан. Аммо ҳозирги йигитларнинг кўпчилиги ўз тилига эғалик қилолмайди. Қизлар билан ҳам ҳурматсизларча муомала қилишади. Менимча, улар катта гапирсам, зўрлик билан гапимни ўтказсам қизларга ёқаман, деб ўйлашса керак-да. Йўқ, бундай йигитлар қизларга сира ёқмаслигини суҳбат давомида билиб олдим.

Янги мақсадларни олдимизга қўйиб кириб келаятган Янги йил! Ана шундай беодоб йигитлар адабини бериб қўй. Токи улар ўз ўртоқлари билан суҳбатлашаётганида ёнларида қизлар борлигини унутишмасин.

Гулзода МАҲКАМОВА,
Тошкет шаҳар, Миробод
туманидаги 214-мактабнинг
11-синф ўқувчиси.

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманида жойлашган мактаб кутубхоначиларининг навбатдаги семинари 206- мактабда бўлиб ўтди. Устозлар, ота-оналар ва албатта кутубхоначилар мактабдаги ёш ўқитувчиларнинг очик дарсларини кузатдилар.

Биз ҳам кузатган дарс 4-«Е» синф ўқувчиларининг она тили ва адабиёти фани бўйича бўлди.

Аввало мактабнинг озодлиги, ҳар бир жиҳознинг ўз ўрнида эканлиги бизнинг диққатимизни тортди. Шириндан-шакар болажонлар сира ҳаяжонланмасдан ўтган мавзуларни такрорладилар. Ҳатто юртбошимиз асарларига тўхтадилар. Тарихимизга мурожаат қилдилар. Ўқувчилар бу китобларни мактаб кутубхонасидан ўқиб ўрганганликларини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Янги ўтилган мавзу ҳам ўқитувчи Наргиза опа томонидан жуда осон ва чиройли қилиб тушунтирилди. Айниқса, болажонлар бир оз дам олиш мақсадида, мавзудан четлашиб, мусиқа садолари остида кўзларини юмганча саёҳатга бордилар.

-Опа, мен Ҳиндистонга борибман,- деди Дилшода Камолова. - У ерда шох ва шоир Бобур Мир-


зони кўрдим. Улар бизга ўз ғазалларидан ўқиб бердилар. Мустақил Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишимиз кераклигини айтдилар.

- Мен эса ғаройиб оролчага бориб қолибман,- деди Лиляхон. -

ва журналлардан ўқиб туришса, ҳатто ўз мактаблари, синфдошлари ҳақида мақолалар ҳам ёзиб туришса фикр доираси янада кенг бўлади, деди.

Ўқувчиларнинг зукколиклари,

КУТУБХОНАЧИ ОТА, ЗЕРИК МАЯТСИЗМИ?



У ерда ака-ука ўзак ва ўзакдошлар билан танишдим. Улар ўз қонунқоидаларини менга айтиб беришди. Энди мен ўзак ва ўзакдошни яхшилаб таниб олдим.

- Мен-чи, Наргиза опа Самарқандга борибман,- деди қувониб Замира Жумақулова. - У ердаги қадимий ёдгорликларни, жумладан Бибиҳоним мақбарасини тамоша қилдим. Менга Самарқанд жуда ёқди...

Ўқувчиларнинг сўзларини эшитган ўқитувчи болалар газета

дарсга фаол иштирок этишларини биз ўқитувчининг талабчанлигидан деб билдик.

Ўтилган 40 минутлик дарс қизиқарлигидан назаримизда кириш ва чиқиш кўнғироғи кетмакет чалингандек бўлди.

Сўнг, семинар иштирокчилари мактаб кутубхонасида йиғилдилар. Ва ёш ўқитувчиларнинг дарс соатларига юқори баҳо бердилар. Кутубхонада эса керакли ва етарли китоблар борлиги айтиб

Кутубхона-нурхона



ўтилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда мактаб кутубхоналари қай аҳволда?

Кутубхоначи опалар зерикми қолишмаяптими?

Ўқувчилар «у китобни беринг, бу китобни беринг», деб уларни ҳоли-жонларига қўйишмай, ўзларига ёққан китобларни топа олаятдиларми?

Бошланғич синф ўқувчилари учун лотин алифбосидаги китоблар етарлими?

Азиз ўқувчи! Ушбу саволларга мактаб кутубхонангиз мисолида жавоб йўлланг. Хатларингизни кутамиз.

Феруза ОДИЛОВА.

Алифбе байрами

Эсдалик совғалар улашилди. Ўз навбатида ота-оналар ҳам болаларини ширинликлар билан сийладилар.

Байрам сўнггида мактаб директори Маъмура опа Ёрмухамедова, бошланғич синфлар бўйича илмий мудир Ҳалима опа Машунпиналар болаларни саводхон бўлганликлари билан табрикладилар.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА.

САМО ҚУШМАН, ЗИЁ ҚУШМАН

-Мен қизил шапкача бўламан,- деди қизадоқлардан бири.

- Йўқ, мен бўламан,- деди иккинчиси.

- Сен бўри бўлгин, майлими?

- Й-ў-қ, бўри бўлмайман. Бўри ёмон-ку.

Ўқувчилар «Қизил шапкача»дан кичик сахна кўйишлари керак эди. Лекин бўри бўлишни, йўқ бўри бўлишни эмас, ёмон бўлишни сира хоҳлашмади. Шунда устоз Ёкутхон опа Дадахўжаева жажжи болажонларга аста-секинлик билан тушунтирди.

Ёмон бўлиш, ҳаммани хафа қилиш жуда ёмон. Ана шундай ёмонларни биз билишимиз, буларни сахна орқали кўрсатишимиз керак, Шу билан бирга «Алифбе» китобини қанчалик ўқиб- ўрган-



ганлигингизни билиб оламиз. Қўшиқлар айтамыз, шеърлар ёд оламиз. Ва бу кун ҳақиқий байрамга, саводхонлик байрамига айланади.

Собир Раҳимов туманидаги 46- мактабнинг 1-«А» синф ўқувчилари орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Болажонлар чиройли безатилган залга кўнгиллари каби оппоққина кўйлақларда кириб келдилар. Мадҳиямиз билан бошланган саводхонлик байрами куйқўшиққа уланиб кетди. Шундан сўнг Хумо қуши кириб келди:

Бошга қўндинг,
Парвоз айлаб.
Юрту халқим,
Эъзоз айлаб.

Само қушим,
Зиё қушим,
Аъло қушим,
Хумо қушим...

Болажонлар «Алифбе» берган барча саволларга билагонларча жавоб бердилар. Улар нафақат лотин алифбосини, балки инглиз тилини ҳам Назира опаларидан ўрганаётганликларини айтиб ўтишди.

Инглиз тилида қўйилган сахна кўриниши, шеър ва қўшиқлар

бунинг исботидир.

Мусиқа ўқитувчиси Муборак опа Аҳмедова бошчилигидаги «Соғлом авлод», «Кулча нон», «Ҳар доим бўлсин қуёш», «Кичиктоймиз- гижингтоймиз» каби қўшиқлар болажонлар қалбига янада қувонч бахш этди. Бугунги саводхонлик байрами Улар ёдида бир умр қоладиган бўлди.

БОР БЎЛИНГ, САҲИЙ АМАКИЛАР

Ҳиммат

Мен Тошкентдаги 100- махсус мактаб интернатининг 4- синфида ўқийман.

Интернатимиз ҳовлиси уйдум-чуқур бўлиб қолган эди. натижада мактабдошларим у ердан юраётганларида қоқилиб кетишлари ҳеч гап эмасди. Яқинда ховлимизга «Достон» кичик жамоаси асфальт ётқизиш берди.

Тошкент чинни заводи ходимлари ошхонамиз учун бир хилда чойнак-пиёлалар совға қилишди.


3-автопаркдаги раҳбар амакилар эса бизлар саёҳатларга чиқишимиз учун автобус ажратиш-

ларини айтишди. Биз ўқувчилар бу ишлардан жуда хурсанд бўлдик ва ўзимизнинг аъло ўқишимиз, намунали хулқимиз билан уларга жавоб қайтаришга ният қилдик.

Раҳмат сизларга, меҳрибон амакилар.

Бахтимизга доимо сиз кабилар омон бўлсин, бор бўлсин!

САОДАТ ИСРОИЛОВА,
4- синф ўқувчиси.



Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

ЭКОЛОГИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТ

10 - ДАРС

ЭКОЛОГИЯ НИМА?

Сизга табиатшунослик ва ботаника дарсларидан маълумки, табиатда ҳамма нарсалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, маълум мувозанатда бўлади. Куйидаги расмга эътибор беринг. Унда табиатнинг кичкина бир бўлаги тасвирланган.

Тоғлар, Мусаффо осмон. Куёш чарақлаб нур сочяпти. Дарёдан сув оқиб келаяпти. Дарахтларга туташган кенг дала. Майсазорда ўт-ўланлар ўсиб ётибди. Турли-туман ҳашоратлар, қурт-қумурсқалар ўрмалаб юрибди. Дарахтзордаги дарахтларга қушлар ин қурган ва ҳоказо. Ҳамма жонли мавжудот ҳаракатда.

Бир қарашда, бу жараёнлар бир-бирига боғлиқ эмасдек туюлади. Аслини олганда эса улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, табиат деб аталмиш бир бутун занжирнинг бир бўлагини ташкил қилади. Унда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ бўлиб, мувозанатга келган. Ер, ҳаво, сув, куёш нури ҳисобига майсалар ям-яшил бўлиб ўсиб ётибди. Бу ўт-ўланлар барги, гули, илдизи ҳисобига ҳашоратлар кун кўришади. Учиб юрган қушлар эса ҳашоратлар билан озикланишади. Шунинг ҳисобига, дарахтларни қурт-қумурсқалардан тозалаш туришади. Дарахтлар эса ўз навбатида ҳавони тозалаш, ҳамма учун зарур кислород ишлаб чиқаради ва ҳоказо. Бу занжирни яна исталганча давом эттиришимиз мумкин. Кўриб турганингиздек, табиатнинг кичкина бир бўлагиди ҳам шунча ўзаро алоқадорлик, ўзаро боғлиқлик ва мувозанат.

Афсуски, бу мувозанат баъзи-баъзида турли сабабларга кўра бузилиб туради. Табиат шундай яралганки, бу мувозанатнинг бузилиши кичикроқ миқёсда бўлса, табиат ўз-ўзини “даволаб” мувозанатни яна қайта тиклай олади. Лекин табиатга таъсир катта миқёсда бўлса, унинг асорати тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масалан, расмда тасвирланган майсазорга чўпон 1-2 кун 10-15 та қўй, эчкиларни ҳайдаб қўйса, бунинг таъсири унча билинмайди. Майсазордаги ўт-ўланлар қайтадан ўсиб яна олдинги ҳолатига қайтиши мумкин. Лекин майсазорда 100-200 қўй, эчки сурункасига, ҳар қуни боқилса, оқибати нималарга олиб келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Аввало, 5-6 кунга қолмасдан қўй, эчкилар майсазордаги бутун ўт-ўланларни еб тугатишади.

Озуқа етишмаслиги туфайли майсазордаги қурт-қумурсқа ва ҳашоратлар, қўй ва эчкилар билан бирга ўзларини дарахтзорларга уришади. Дарахтзордаги шовқиндан хуркиб, қушлар бошқа томонларга учиб кетишади. Дарахт пўстлоқлари эчкиларга ем бўлса, танаси қурт-қумурсқаларга озуқа бўлади. Бир пастда дарахтлар ҳам нобуд бўлади.

Қарабсизки, одамнинг эҳтиётсизлиги туфайли қўй ва эчкиларнинг майсазорда сурункасига боқиши табиатдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келди.


Демак, табиат билан, бизни ўраб турган атроф-муҳит билан жуда эҳтиёткор муносабатда бўлишимиз лозим экан. Акс ҳолда унинг оқибатлари юқорида кўрган мисолимиздагидек аянчли бўлиши мумкин экан. Бу-ку, ҳали кичкина бир майсазор ва дарахтзор миқёсидаги мисол эди.

Агар табиатнинг мувозанатига бундай таъсирлар катта миқёсда бўлса, нималар бўлади?

Инсоният ўз эҳтиётларини қондираман, деб ҳадеб табиат мувозанатига аралашаверса, нима бўлади?

Бундай муаммолар билан инсон иқтисодиёт пайдо бўлибдики тўқнаш келади. Бу муаммоларни экология фани ўрганади.

Экология - инсониятнинг уни ўраб турган ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фандир. У табиатдаги ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш, уларни авайлаб асраш, қайта тиклаш муаммоларини ўрганади. Шу жиҳатлари билан экология иқтисодиётга ақин туради.



“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг ўзигагина ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материални ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс ғолибларини **телевизор,**
магнитофон,
аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс ғолиблари учун ҳам алоҳида маҳсул совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

10 - ТОПШИРИҚ

ЭКОЛОГИЯ НИМА?

1. Таърифни келтиринг.

Экология бу _____

2. Жумлани тўлдириг.

Экология _____

1. _____

2. _____

3. _____

ҳақидаги фандир.

3. Ер, ҳаво, куёш, дарё суви, дарахт, ўт-ўланлар, қурт-қумурсқалар, қушлар, ҳашоратлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни уларнинг номлари ёзилган каттакларни туташтириш ёрдамида ифодаланг.

Қушлар	Дарахт	Ўт-ўланлар	Куёш	Ҳаво
Дарё суви	Ер	Қурт-қумурсқалар	Ҳашорат	

4. Ўқув қўлланмадаги мисолда келтирилган вазиятда қўй ва эчкиларнинг мавжуд табиий мувозанатга аралашуви натижасида ўзаро алоқадорликларнинг қайсилари қолди.

Қушлар	Дарахт	Куёш	Ҳаво
Дарё суви	Ер	Ўт-ўланлар	
Қўй, эчкилар	Қурт-қумурсқалар	Ҳашорат	

5. Тўғриси топинг.

Экология _____

- А. Табиат ҳодисалари ва тирик организмлар
В. Инсон эҳтиётларини табиатдан қондириш йўл-йўриқлари
С. Тирик организмларнинг бир-бирлари ва ташқи муҳит билан бўлган ўзаро муносабатлари
Д. Тирик организмларнинг бир-бирлари билан муносабатлари
Е. Тирик организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари

ҳақидаги фандир.

6. Қуйида номлари келтирилган тирик организмлар ва муҳит элементлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаб тегишли каттакларни туташтиринг.

Қушлар	Дарахтлар	Куёш	Ҳаво
Сув	Ер	Ўтлар	Бугдой
Одам	Уй-жой	Сигир	Ҳашорат

7. 6-топшириқда табиий мувозанат бор деб, қушларни бу мувозанатдан чиқариб ташланса, нима бўлади?

Жавоб: _____

8. Деҳқон дарёдан қайиқда эчки, бўри ва карамни олиб ўтмоқчи. Қайиқ кичкина бўлиб уларнинг ҳаммасини кўтара олмайди. Деҳқон ўзи билан яна битта ҳайвонни ёки карамни қайиққа олиши мумкин. Ўзларига қолса, бўри эчкини, эчки карамни еб қўйиши мумкин. Лекин деҳқондан қайиқиб туришибди. Деҳқон дарёдан бўри, эчки ва карамни ҳеч қандай талофатсиз қандай ўткази олади?

Жавоб: _____

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мўлоқот учун телефон: 139-49-32, 139-19-16.
Факс: (371) 139-48-23.

ЮЛДУЗЛАР БИЛАН СИРЛАШАМАН

Камола Турсунметованинг суҳбати ва машқ дафтарчасини ўқиб жуда таъсирландим. Қизгинанинг онасига бўлган меҳр-муҳаббати ва оқибати олдида таъзим қилдим. Камоладек оқила қизни тарбиялаётган бахтиёр она, шифокор Шаҳзода Турсунметовага ҳавасим келди.

Бугун кўпгина ёшларимиз ота-она олдида фарзандлик бурчларини унутиб қўяётгандеклар. Волидаи муҳтарамаларининг дуоларини олиш ўрнига дилларига озор бераётгандеклар. Бу дамларда ҳавотирларимга Камола умид чечакларини сочиб юборди.

Беғубор, самимий қарашлар менга ўсмирликнинг хушбўй исларини олиб келди.

Назаримда, Камола катта шоира бўлади. Чунки унда юрак бор. У соғиниб-соғиниб яшайди. Онасини ишдан боришини интизорлик билан кутади. Кўпгина она ва қизларимиз ўртасида нима учундир йўқолиб бораётган яқинлик (оналар огоҳ бўлинг) уларга бегона. Хонадонига файз олиб кирувчи она ҳидларини қизгина тўйиб-тўйиб, узоқ ҳидлайди. Она кучоғида огоҳ қалбга дардларни узоқ-узоқ айтади. Жажжи юракча каттагина ДАРДНИ ортмоқлаб юради. Дардкашини кумсаганида мўъжаз дафтарчасига юрагида ҳайқириқлар оқиб тушади. Улар эҳтимол шеър эмасдир. Борингики, чиройли гаплар ҳам бўлмасин. Лекин бу сўзларнинг армони бор... оғриғи бор... Демакки бефарқлик йўқ, гафлат йўқ. Узоқ тунлар мурғак қалбни ёлғизликка ўраб олар. Қўрққани ҳам шудир унинг, балки қалб ўзлигини топаётгандир...

Энг кераги шу эмасми?!

Осмонга қарайман юлдуз кулар устимдан

Ойга қарайман ой ҳам кулар устимдан

Ойижоним сувратига термулсам

Йиғлар онам, онам йиғлар, йиғлар онам...

Камола билан суҳбатлашганимда у яна шоирларнинг она ҳақидаги шеърларини ёд олиши ва алоҳида дафтарига чиройли хуснихатда кўчириб қўйишини айтиб, ўша дафтарини кўлимга тутди. бир-биридан маънили шеърлар. Сиз ҳам ўқиб кўринг-а.

Кўзларида қуёш рисқи бор

Тилларида ишонч сўзи бор

Йиғисида қувонч иси бор

Тирик бўлса кимнинг онаси

Дунёсини пойига тўксин

Ақал бир бор оёғин ўпсин


Ўтинаман қадрига етсин

Тирик бўлса кимнинг онаси...

Бу каби шеърлар гавҳари Камола қалбига эҳтимолки онасининг аллалари билан жо бўлгандир. Камола сано қизига ўхшайди. Холи сўзларига, кўзларига, мунис қалбига гўбор кўнмаган. Оналарни мадад этгучи кўз очмаган булоқлари кўп. У кечалари юлдузлар билан гаплашар экан. "Юлдузлар мудом мени ўзларига чорлайверади, чорлайверади", - дейди Камола. "Эҳтимол уларга керакдирман. Не бўлса ҳам, кўнглим сезар, аларнинг менга айтар сўзлари бор. Улар жуда жуда олисда бўлсаларда менга дугона. Ёнимда эса ўз ёруғ, тонг юлдузим, ойим, қуёшим - волидам бор. Онамининг барча оналар каби жонсарак қалби мендан огоҳ. Ҳаётим давомчиси соғ-омон бўлсин дея дуолар қилади.

Шундай меҳрибон она, фидоий аёл фарзанди эканлигимдан фахрланаман".

ЭШИ БЎЛИНГ ҚИЗЛАРЖОН



Дейлик бу ёз қишга етарли мураббою, қиёмлар гамай олмадингиз. Кўнглингиз хижил. Дастурхонингиз ҳам бефайздек. Лекин сиз сира ўксинманг. Ҳозирда рўзгорингизда бор маҳсулотлардан қиёмлар тайёрлашни сизга тавсия қиламиз. Дарвоқе, қиёмнинг ўзи ҳақида ҳам маълумот бермоқчимиз.

Қиёмнинг мураббодан фарқи шуки, қиёмга мева озроқ, сув эса кўпроқ қўшилади, бинобарин қиём консистенцияси суяқ бўлади. Ундан ташқари, қиёмлар баъзи мурабболар каби икки-уч марта пиширилмай фақат бир қайнатишда пиширилади. Қиёмларни узоқ сақлаш мумкин эмас. Мураббо тайёрлаш учун эритилган шакар ҳам "қиём" деб юритилади. Қиёмни ҳамма мева ва баъзи сабзавотлардан тайёрлаш мумкин.

САБЗИ ҚИЁМИ

Сариқ сабзини сомон шаклида калта-калта қилиб ёки қалинлиги 2 мм.ли бўлган "юлдузча" қилиб кесасиз. Буни қозонга солиб сув қуясиз-да, суст оловга қўйиб қайнатасиз. Сабзи пишгач, қиёмга шакар соласиз ва бир меъёрда қайнатиб пиширишни охирига етказасиз. Пишган қиёмнинг сабзиси ялтироқ тусда бўлади. Тайёр қиёмнинг таъмини яхшилаш учун унга сови-масдан ванилин қўшасиз. Сабзи қиёмга: 1 кг сабзи, 1 кг шакар, 1.5 литр сув, 0.5 чой қошиғида ванилин кетади.

ОШҚОВОҚ ҚИЁМ

Шакарни қозонга солиб, сув қуясиз ва эритиб қиём қайнатасиз. Ошқовоқни қириб, қайнаб турган қиёмга солиб аралаштирасиз. Сўнг вақт-вақти билан ёғоч қошиқнинг сопи билан кавлаб пиширишни охирига етказасиз. Қиём етилгач, заъфар ва жавҳарлиму қўшасиз.

Ошқовоқ қиёмга: 0.5 кг ошқовоқ, 1.2 кг шакар, 1л сув, бир чимдим заъфар билан жавҳарлиму ишлатилади.

ОНАЖОН...

Мурғаккина жонимга

Жон бердингиз, онажон.

Меҳр талаб қалбимга

Қалб бердингиз, онажон.

Кечалари йиғласам,

Уйкудан воз кечдингиз.

Ниманики истасам,

Кўзларимдан билдингиз.

Оллоҳдан мен сўрайман,

Умрингизни онажон.

Мустақиллик йиллари

Кўп бўлсин деб онажон.

Вояга етиб тезроқ,

Хизматингиз қилайин.

Яхши ўқиш, хулқ билан,

Юртим қизи бўлайин.

ДИЛФУЗА КЕНОЙИМГА...

Кенойижон соғ бўлинг

Тоғажоним бахтига.

Кенойижон соғ бўлинг

Болаларингиз бахтига.

Кутлуқ туғилган кунингиз

Узоқ умр кўрингиз.

Доим шундай юрингиз

Нурга тўлсин уйингиз.

Яна бизнинг бахтимизга

Кўша қариб юрингиз.

1999 йил, 13 декабрда ёздим.

Нигора Юлдашева,

Шотурсун Фуломов номидаги

114-ўрта мактабнинг 4-"Д" синф ўқувчиси.

ТУХУМ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?



пайдо бўлган.

Товуқлар Хитойда бундан 3500 йил аввал ном чиқаришган. Римликлар шимолга юриш қилганларида Англияга бу паррандани олиб ўтдилар. Фарбий яримшарга товуқлар 1493 йилдан кейин, Колумбнинг иккинчи саёҳатидан сўнг тарқалди.

Товуқлар дунё бўйича тухум истеъмолининг асосий қисмини қондиради. Бу ҳисобга кўпгина одамлар ўрдак тухумини ҳам киритадилар. Тухум бериш борасида мусобақа уюштирилгудек бўлса ўрдаклар сўзсиз ютиб чиқишади. Ўрдаклар йилига 360 тагача тухум беришади. Агар ер юзидаги ўрдак ва товуқ тухумларини бир йиллик микдорини умумлаштириб, ерликларга тақсимласак, ҳафтасига ҳар бир одам 2 тадан тухум истеъмоқ қилар экан.

Агар одам тасодифан кимсасиз оролга тушиб қолса ва у ерда кўп қолиб кетадиган бўлса анча муаммолар туғилиши табиий. Энг аввало озик-овқат масаласи. Иложсиз қолган киши нима дўч келса истеъмоқ қилади. Албатта, биринчи галда овқат излаш жараёнида илк ўлжа қушларнинг тухуми бўлади. Биз тухумини истеъмоқ қиладиган инсонларни товуқлар тухумга бўлган эҳтиёжларини қадимдан қондириб келади. Товуқларнинг ўзи эса дастлаб хинд чангалзорларида

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Пиширилаётган суяқ овқатларга сув ва туз бўлиб-бўлиб бир неча марта солинса таомнинг сифати бузилади.

Тайёр бўлган таомларни дарҳол дастурхонга тортсангиз хушбўй ҳиди ва таъми йўқолмайди.

Ортиб қолган сутли ва қатиқ қўшилган таомларни қайта иситиб бўлмайди, чунки таомнинг сифати бузилади. Бундай овқатларни совуқ ҳолда истеъмоқ қилган маъқул.

Нўхот, мош, ловия каби дуккакли донларни иссиқ сувда ивитиб бўлмайди, қотиб, пиши-

ши қийин бўлиб қолади.

Туз, қалампир ва бошқа хил зирavorларни таом пишиши олдида солсангиз яхши татийди.

Суяқ ошлар шақирлатиб қайнатилса, хира тортади, милдиратиб қайнатилса тиниқ бўлади.

Сабзавотлар тузли сувда қайнатилса мазаси яхшиланади.



УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛУВЧИЛАР ҚАРЗ (КРЕДИТ) ОЛМОҚЧИ БЎЛСАЛАР...

Россия. Шу чоққача 5 минг россиялик фуқаро турар жой сотиб олиш учун давлатдан қарз олишга муваффақ бўлди. Хукумат келаси йилдан бошлаб бундай имтиёздан кўпчилик фойдаланишига ваъда бермоқда. Фақат...

Ана шу "фақат" одамни ўйлантиради. Чунки кредит олишнинг анчагина шартлари бор: қарздор киши ҳар йили олган кредит миқдорининг 10 фоиз миқдоридан устама пул тўлаши шарт. Бундан ташқари, қарз пул ҳисобига сотиладиган уйларнинг нархи одатдагидан 20% қимматроқ туради. Яна: қарзнинг ҳар йили тўланадиган қисми миқдори устама фоизи миқдорини кўшганда киши йиллик даромадининг учдан бир қисмидан ортмаслиги шарт. Масалан, 10 йилда қайтариш шарт билан 5000 доллар қарз олмоқчи бўлган миқдорнинг ҳар ойлик даромади 198 доллардан кам бўлмаслиги керак. Шунда у давлатга ойида 66 доллардан тўлаб боради. Мабодо 10.060 доллар олмоқчи бўлса, у ойида 396 доллардан даромадга эга бўлиши зарур, шунда у ойига 132 доллардан қарз тўлайди. Ойлик даромади 594 доллар бўлган киши - 15000\$ кредит ола олади ва у ойига 198 доллардан қайтиради. Йигирма минг доллар қарз кўтариш учун эса ҳар ойда 793 доллар даромадга эга бўлиш ва ойига 265 доллардан қарз узиш шарт.

Шунақа, ҳозир бу мамлакатда яратилган бундай имтиёз анча-мунча бели бақувват кишини ҳам "ўтқазиб қўядиган" бўлди.

ИСРОИЛГА САЁХАТ - ТЕКИН

Исроил хукумати янги лойиҳани ўзлаштириш учун 70 миллион доллар маблағ ажратди. Бу лойиҳа чет элларда яшаётган еврей (яхудий) миллатига мансуб ёшларни Исроилга бир марта текин саёҳат қилишига имкон яратади.

Ушбу лойиҳа муаллифи америкалик филантроп Чарлз Бронфман. Лойиҳа харажатларининг учдан бир қисмини америкалик ҳомийлар ўз зиммаларига олдилар. Учдан бир қисмини яхудийлар (диаспораси) жамияти, қолган қисмини эса Исроил хукумати кўтарди.

МЕН БИЛИБ-БИЛМАГАН ДУНЁ


Куёшда шу дақиқада нималар бўлаётганини билмаймиз. Куёш нурлари ёки куёш иштирокчиларининг Куёш нормал ишлаб турганлиги ҳақидаги хабари бизга саккиз дақиқадан кейингина етиб келади.

Галактиканинг бир четдаги коллажга учраган юлдуздан чиққан сўнгги сигнал бизга иттрико кучли тўлқини ёки гравитацион майдоннинг "титраши" тарзида кўп минг йиллардан кейингина етиб келади. Олис-олисларда рўй берган ҳодисалардан хабар олиб келадиган шу чопарларнинг йўли нечоғлик узоқ бўлмасин, бизга энди таниш бўлиб қолган оламни овозидан таниймиз.

Асримиз бошларида Э.Хаббл, галактикалар, худди портлаган бомба парчалари сингари, ҳар томонга доимо бир хил тезликда тарқалишини аниқлади. Оламнинг зичлиги чексиз катта бўлган пайдан бошлаб то ҳозирги ҳолатига келгунча жуда кўп замонлар - 10 миллиард йилга яқин вақт ўтиб кетганини кўраемиз. Лекин олам "тарихи" қандай яратилган?

Археологик топилмалари Ердаги жуда қадимги маданият тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга, бундан 30 минг йилча илгари бўлиб ўтган ҳодисаларни билиб олишга имкон беради. Памонтота жуда қадимги ҳаёт шакллари тўғрисида, органик дунё эволюцияси тўғрисида маълумот беради ва ҳар хил ҳайвонларга ҳамда уларнинг изларига қараб бу эволюцияни тиклайди.

Астрофизиклар бундан салкам 60 йил илгари юлдузлараро галактик газдаги



циан молекулаларининг оптик хоссаларини ўрганишди. Айни вақтда улар космик фазода тўлқинининг узунлиги 0.25 см.га борадиган электромагнит нурларини топишди. Бу радиотўлқинлар маълум бўлган барча осмон манбаларидан келувчи худди шундай нурлардан юз минг барабар кўпроқ шиддат билан космоснинг ҳар томонидан келар эди. Буни топишиб, ҳайрон бўлишди... вассалом. Қизик, бунинг келиб чиқишини аниқлашга ҳеч ким уринмади ҳам.

Бундан ўн миллиард йиллар илгари олам ҳозир биз билган оламдан бутунлай бошқача бўлган. У замонларда юлдузлар ҳам, галактикалар ҳам бўлмаган. У вақтлар нур билан аралаш айрим элементлар зарралардан иборат ва ўта зич ҳамда чўғдек қизиган материя бўлган, холос.

Олам кенгайганда бу нур ҳарорати аста-секин пасайган ва бориб-бориб унинг моддага таъсири бутунлай йўқолган. Реликт нур космик фазода ўз ҳолича яшаб, шу кунларгача "етиб келган".

ОЛТИН ҲАМ ЗАРАР КЕЛТИРАДИМИ?

"Россияда олтин ишлаб чиқариш - фойда ўрнига зарар келтиради, дейдилар. Бу - қанақаси? Нега бошқа мамлакатларда олтин конлари катта даромад келтиради-ю, Россияда...?..."

Ю.Поленко, Самара.



Ҳақиқатан ҳам шундай. Россияда мавжуд олтин конларининг фақат бешдан бир қисми - фойда келтирадиган конлар. Бошқалари эса жуда кўхна конлар бўлиб, уларда олтин рудаси жуда сийраклашиб кетган. Уларда қазилган олтин кон ишчилари ва техникага кетган харажатларни қопламайди. Ҳозир Россия қиммат металл қазиб чиқариш бўйича дунёда 6-ўринда.

Кўпгина мамлакатларда олтин қазувчилар фа-

қат ишлаш қулай бўлган мавсумларда конга келадилар. Россиядаги конлар ишчи-хизматчилари эса йил бўйи (яна бутун оила аъзолари билан бирга) кончилар шаҳарчаларида истиқомат қилишади. Уларнинг еб-ичиши, маданий ва маиший ҳаётлари учун, техника воситаларини йил бўйи сақлаш учун кўп маблағ кетади. Шу тариқа ишлаб чиқарилган олтиннинг таннархи биржа нархидан ортиб кетади. Бу нарх ҳатто жаҳон бозоридаги нархдан 30-60% қимматдир, яъни Россия олтиннинг бир грами 8.2 долларни ташкил этади.

БИРГАЛИҚДА БОШ ҚОТИРАМИЗ

Қозонда пиширилган мастава 212*Р ҳарорат билан оловдан олинди ва ҳарорати 68*Р бўлган хонага қўйилди. Агар маставанинг ҳарорати 35 минутда 111*Р га пишиб қолган бўлса, у ҳолда унинг ҳарорати (35 ли) қачон 140*Р бўлган?

Ой ердан 239.000 мил узокда (уни кўзгалмас деб фараз қиламиз). Агар ойдаги астронавт унинг соати кундуз 12 ни кўрсатаётганини хабар қилса, у ҳолда бир хил вақтни кўрсатаётган бўлиши учун сизнинг соатингиз қандай вақтни кўрсатиши керак.



ЮЗ ЯШАР ҚЎГИРЧОҚ

Тюменлик Элина Голубовна 15 йилдан бери қўғирчоқ тўплайди. У бу ишни 5 яшарлигида дадаси совға қилган бахмал филчани ювиб-тараб, таъмирлашдан бошлаган эди.

Ҳозир Элинанинг хонаси турли юмшоқ ўйинчоқларга тўлиб кетган. Улар орасида ўзи ясаганлари ҳам, "импорт" ўйинчоқлар ҳам кўп.



ТИЛЛА ҲИДИ БОРАТИР

Ҳамма Янги асрни антика совғалар билан кўтиб олишга ҳаракат қилмоқда. Бутун илғор фикрли кишилар каби франциялик пардозчилар ҳам ажойиб янгилик яратишди. Улар олтин ва кумуш зарралари аралаштирилган атир ихтиро қилдилар. Бу атирни баданга текизишингиз биланок танангизда олтин зарралари ялтирайди. Бу - ҳали ҳаммаси эмас. Улар умуман инсоният тарихида кўз кўриб кулоқ эшитмаган кашфиётга эришдилар, яъни тилла ҳиди (экстракти)ни олишди. Маълум бўлишича, тилланинг ўзига хос, ўткир ҳиди бўлар экан. Ҳозир бу ижодкор пардозчилар тилла ҳидли атирлар туркумини жаҳон аҳлига тухфа этишга тайёрлашмоқда.



МАКТАБ ЧИҚИМЛАРИ ҚОНУНЛАШТИРИЛДИ

Россия. "Менинг болаларим ўқийдиган мактабда доим пул йиғишади: ҳали мактабни таъмирлашга, ҳали қоровулга қўшимча маош деди, ҳали дераза пардага, ҳали гулга... Шу ишлар - қонунийми?"

Москва вилоятилик

Н.Рябованинг бу саволига "Аргументы и факты" газетаси шундай жавобни босиб чиқарди:

Мамлакатнинг кўпгина худудларидаги умумтаълим мактабларида шунақа амалиёт бор. Авваллари бун-

дай пул йиғишлар қонунбузарлик деб қаралар эди. Яқинда - жорий ўқув йили арафасида президент Б.Ельцин "Россия Федерацияси умумтаълим мактабларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қўшимча тадбирлари тўғрисида"

фармон чиқарди. Унга мувофиқ, умумтаълим мактабларини қўллаш мақсадида бюджетдан ташқари - ҳомийлик воситаларини яратиш зарурлиги таъкидланган. Демак, энди оналар фарзандлари ўқийдиган мактабларнинг "рўзгорини бутлаш ва асраш"га бурчлидир.



Охирги идишда нечта таблетка мавжуд?
Рақамларни кетма-кетлигини диққат билан кузатсангиз, буни билиб оласиз.





Суратдаги предметлар ёрдамида 5 та мантиқан бир-бирига яқин бўлган жуфтлик ясанг. Суратдаги предметлар бир мартабадан иштирок этиши шарт.



Суратда тасвирланган масалани ечиш учун рақамлар орасига кўшув, айрув, кўпайтирув ёки бўлув белгиларини кўйиш керак.



Чумоли лабиринтдан чизикларни босмасдан чиқа оладими?



Фермер ҳар тўрт чўчқани 34 \$ дан сотмоқчи (чўчқа баҳоси ён томонида). Ҳар бир чўчқа алоҳида катакда жойлаштирилган. Харидор тўрт чўчқани вертикал, горизонтал ёки диагонал йўналишда танлашидан қатъий назар 34 \$ дан тўлайди. Фермер чўчқаларни қандай жойлаштирган.



Ҳолиданинг 6 та кўк ва 6 та яшил рангдаги пайпоқлари бор. Агар тортмадан кўзини юмган ҳолда бир жуфт бир хил рангдаги пайпоқни олмақчи бўлса нечта уринишда олиши мумкин?

Олтиндай товланиб турган тўқ бошоқдан бу қадар бўлиқлигининг сабабини айт, дейишса, шудгорланган ерга ўз вақтида қадам ранжида қилдим, ўз вақтида сугорилиб парваришландим. Оқибатда вақтида етилиб, вақтида пишдим, деб вақтга ҳамду санолар айтган экан.

Юртимиз мустақилликка эришган йилларда ғанимлар ҳам, дўстлар ҳам кўпайди. Кимдир Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини олдиндан кўрса, кимдир турли миш-мишларга эрк берди. Аммо одил ҳакам - вақт тўғри ташланган қадам эзгу орзулар билан экилган ниҳолларимизни ёруғлик сари етаклади. Юртбошимизнинг ҳатто йилларни-да Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили деб аташида ҳам ёруғликни кўраман. Бутуққа кўнган қуш ҳам қут қадами билан, ҳосияти билан кўнсин. Парранда-ю дарранда қурт-қумурсқадан тортиб, буюк жонзот-инсонгача ана шу қутликдан, ана шу ҳосиятдан гуллаб-яшнайдди. Айниқса бизнинг оилапарвар халқимиз ўз оиласини мустаҳкамлаш баробарида катта жамият куч-қудратини ихоталайдди. Аёлларимиз-чи, аёлларимиз?

Тинчликда яшасам, фарзандларим, фарзандларимнинг отаси суюкли ёрим билан хотиржам умр кўрсам, тўйлар қилсам, шоҳона уйларнинг бекаси бўлсам, деб ният қилади. Демак, ниятининг индалосида - Тинчлик.

XXI асрнинг сўнггини Соғлом авлод йили, деб эълон қилган юртбошимиз ҳақ гапни айтдилар: «Ҳар биримиз аввало ўз виждонимиз олдида, халқимиз олдида, қилаётган ишларимиз олдида жавоб беришимиз керак».

Бу жавобгарлигимиз эса менинг назаримда ўсиб-улғаяётган фарзандларимиз руҳсорида намоёндыр.

Биз уларни ҳалол луқма едириб, таълим-тарбияси билан шуғулланиб, вақтини қадрлашга, уни фойдали ишлар: китоб мутолааси, ҳунар ўрганиш, меҳнат қилишга сарфлашга ундоларимиз керак Юртбошимизнинг даъвати мустақил юрт одамларини сезгирликка ундайди.

Қимматбаҳо буюмимиз йўқолса, қайғурамыз. Қимматдан қиммат вақтимиз ўтса, парвойи фалакмиз. Аммо шу вақт бизни мукофотлайди ёки жазолайди.

керак. Уларнинг соғлиғи, ёвкур ва ботирлиғи ҳам ношир ва матбаачиларнинг елкасига катта юк. Маънавиятнинг, баркамол руҳнинг, вужуднинг соғломлиғи учун жарчи-энг аввало, болаларимизнинг ўз китоби, ўз газета журналлари-дир.

Лотин ёзувиге асосланган мактабда ўқиётган болаларнинг ёши 13га етди. Йиллар давомида китоб ҳазинамизга айланган, билимдон тарбиячиларимиз бўлмиш мумтоз китобларимизни ҳам лотинчага



Оналар ёзади

АССАЛОМ, СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ!

Ўтмишда бизда китоб босиб чиқарилмаган, дейишади. Сополларга, кийик, қўй, эчки, айиқ сингари ҳайвонларнинг терисига битилган ёзувларда ҳам фарзанд тарбияси, келажак авлод қайғуси бор.

Отадан катта ўғилга бойлик, ўртанчасига қўй-қўзи, кенжасига эса китоб мерос қолибди. Вақт ўтиб, катта ўғлининг бойлигига бойлик, ўртанча ўғлининг қўй-қўзисига унданда ортиқ қўй-қўзилар қўшилибди.

Кенжа ўғлининг эса китоблари кўпайибди. Уларни ўқиб, донишмандлиги ошибди. Фавқулодда юртни ёв босиб, катта ўғилнинг давлатига ёғийлар осонгина эга бўлишибди. Ўртанча ўғилни қўй-қўзиси билан аскарларини боқибди.

Кенжа ўғилнинг бор бисоти китобларини ёқиб, ўзини йўқ қилмоқчи бўлишганда минглаб, ўн миллионлаб донишмандлар оёққа қалқибди. Чунки, китобдан олинган ҳазина осон урчидиган ўтда куймас сувда чўкмас ҳазина экан.

Биз ана шу ҳазинага фарзандларимизни мубтало қилишимиз

ўгириш, болаларга ўз нашрларини тезроқ етказиш даври келди. Соғломлик, бардам-бақувватлик ақл чироғининг чароғонлигида билинади. Аммо мамлакатимиз болалари афсуски, ўз газета ва журналларини вақтида ололмаптилар. Ҳатто шўро тузими ҳам ўз сиёсатини ёш болаларга-да газета-журналлар орқали сингдиришни улдалаган: бир хонадонда беш ўқувчи бўлса беш ўқувчининг ҳаммаси айтайлик, «Ленин учқуни» газетасига обуна бўлишга мажбур эди. Буни мураббийлар қаттиқ талаб қилар, ҳатто ўқувчини дарсга қўймай, обунага пул топиб кел, деб туриб олар эдилар. Ўйлаб қарасам ўша мураббийлар, ўша жонкуяр етакчилар ўз вазифасини аъло даражада уддалашни билишган экан. Энди эса ўқитувчилар синф хонасини безаш учун олинадиган қимматбаҳо парда ёки сунъий гуллар учун осонгина болалардан пул ундира билишадую, йил давомида мамлакатимиз нафаси, одамларимизнинг орзу-ҳаваслари-эзгуликларни саҳифала-

рида намоён қилиб келадиган болалар нашри обунаси билан жидий шуғулланишмайди. Ҳолбуки, 70 ёшли ўша «Тонг юлдузи», «Ғунча» ёки «Гулхан»ни ўзлари ҳам, бобо-момолари ҳам ўқиб улгайишган, дунёни англашган, одамийликни топишган...

Тўғри, нашрларимиз бироз қиммат, аммо мен янги йилдан бу борада ҳам янгиликлар кутяпман. Менга қолса сопини ўзидан чиқариб, болалар нашрларини деярли текин қилиб қўйиш керак. Чунки аксарият болалар ҳатто уйга вазифани ҳам ўз холича бажаришмайди-ю, ўз газетаси ёки журналин талабгор бўлиб ўқишармиди улар? Бунинг учун болаларни ўргатиб олиш керак. Бир сафар сарлавҳасини ўқиган, кейинги сафар суратини кўрган болакайлар борабора мутолаага берилишлари турган гап.

Мен Соғлом авлод йилида соғломликни-билимдонликда деб биламан. Билим сабаб, фарзандларимиз ўзларини ёмон иллатлар - чекиш ичишдан тиядилар. Жисмонан бақувват бўлиш учун интиладилар. Ассалом, Соғлом авлод йили!

КУМУШ

ГУЛЛАР МЕНГА ҲУШАЙДИ

Боққа кирдим,
гуллар тердим,
Гуллар менга ҳушайди.
Тугмачагул, лолагул.
Ҳам қип-қизил атиргул.



УСТОЗИМ

Боғимда гул очилди,
Қалбимга нур сочилди,
Гулзоримни оралаб,
Гулларимдан саралаб,
Териб олдим мен анча.
Куз гуллари ўзгача.

Гулдастамни тайёрлаб,
Ўз шеъримни ёд айлаб,
Устозим табриклайман,
Кўнглини шод айлайман,
Онамдай меҳрибоним
Устозим- меҳри борим!

ДАДАМНИНГ ҚИЗИМАН

Мен дадамнинг қизиман,
Қанду- асал қизиман,
Умрининг давомчиси,
Ардоқли юлдузиман.

Гулмира АШРАПОВА,
Тошкентдаги
39- мактабнинг
2-«А» синф ўқувчиси.



ОЗРОҚ КЕЛТИР СОВУҚНИ

Янги йилим,
Янги йил,
Тезроқ кириб келақол.
Сендан кутганим кўндир,
Орзуларим бўлақол.

Қорбобо,
Қорқизларни,
Тезроқ олиб келақол.
Қорингни кўп,
Совуқни
Озроқ олиб келақол.

Зухра АСҚАРОВА,
Юнусободдаги
271- мактаб ўқувчиси.

ЯНГИ ЙИЛ ШОДЛИГИ

Арча, арча, арчажон.
Ям-яшилсан ҳар қачон
Сарви қомат бўйинг бор
Юртга берар тўйинг бор.

Қорбобони чақирдик
Келса - вақти чоғ юрдик.
Қорқиз билан арчажон.
Чароғонсан ҳар қачон.

Ҳар хил совға кутамиз,
Янги йилни тутамиз.
Янги йил топиб дилни,
Шодлантирар таътилни.
Йўлдош Тўлаганов.

(Боши ўтган сонда)

«ТОПГАН ТОПАЛОҚ» ЕКИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИНГ БИРИДА...

Кўли бўлмаса-да, гар,
Ойнага расм солар.
Кўчага чиқсанг агар,
Юзинг чимчилаб олар...
Малика - Бўлди, бўлди, бу «совуқ».

Алдар Кўса (шивирлаб) - Яна топишди-ку-а?
Ялмоғиз (шивирлар) - Ҳа, жуда-ям билагон болалар экан.
Алдар Кўса - Энди нима қиламиз?
Ялмоғиз - Яна синаб кўрамиз.
Хўш, бўлмаса, эшитинглар. Ҳозир яна биттадан топишмоқ айтамыз, бўлди.

Кўзивой - Айтинглар.
Ялмоғиз (Алдар кўсага) - Бошла, кўса.
Алдар Кўса - «Тўртта оёғи бор, Темир туёғи бор»...
Малика (кулиб)- Ва-а, шуям топишмоқ бўптими.»Тўртта оёғи бор, темир туёғи бор», «От»-да.
Ялмоғиз- Бўлмаган гап.
Кўзивой - Ия, нега энди?
Алдар Кўса(суюниб)- Тополмадинг, кал-кал.
Малика - От бўлмаса, нима унда?
Ялмоғиз- Топгин-да. Ё шаҳар берасанми?
Малика - Қайси шаҳарни?
Ялмоғиз- Ҳимм... Тошкентни.
Кўзивой - Йўқ, Тошкентни бермаймиз.

Алдар Кўса - Бўлмаса, Самарқанд ё Бухорони.
Малика- Ҳечам-да.
Ялмоғиз - Бўлмаса «жунгли» деган шаҳарни берасизлар.
Кўзивой - Олақолинг.
Малика(шивирлаб) - Вой, нега? Жинни бўлиб қолдингми?
Кўзивой- Олақолинг.
Малика (шивирлаб)- Вой, нега? Жинни бўлиб қолдингми?
Кўзивой (шивирлаб)- Кўяверсангчи, бунақа шаҳар йўқ-ку? Географиядан ҳеч вақони билишмас экан...
Алдар Кўса - Шивир-шивир қилиш йўқ.
Ялмоғиз - Демак, тополмадинглар-а?
Малика - Ҳа...
Ялмоғиз- Жавобини айт, кўса.
Алдар Кўса - «Тўртта оёғи бор, темир туёғи бор» дегани бу «арава» каллаварамлар.
Кўзивой- Ёлгон.
Ялмоғиз- Рост.
Алдар Кўса- Фирт рост. Аравани тўртта оёғи борми, бор. Темир туёғи-гилдираклари борми, бор. Бўлди-да (Маликага)- Бўлди, қизалоқ, сен энди «Арча байрами»га кирмасанг ҳам бўлаверади.(Малика хафа бўлиб бир чеккага ўтади)
Ялмоғиз- (Кўзивойга) -Хўш, болакай, сени отинг нимаиди?
Кўзивой- Кўзивой.
Ялмоғиз - Хўш Кўзивой, энди ютказиш навбати сеникимми?
Кўзивой - Бунисини кўрамиз. Аввал айтинглар.
Алдар Кўса- Айтиамиз, айтиамиз.
Ялмоғиз- Сен жим тур, Кўса, айтишни бопладинг роса. Энди менга қўйиб бер. Эшит, болакай, топган топалоқ...
Алдар Кўса - Тополмаган фирт аҳмоқ...
Ялмоғиз - Сен овозингни ўчириб тур, кейин нарироқ тур.
Қишин-ёзин,
Кўм-кўк ўзи.
Тикани бор,
Топ-чи, Кўзи?
Кўзивой- Арча.
Ялмоғиз (чапак чалади)- Ур-ре , тополмадинг, тополмадинг.
Алдар Кўса (чапак чалиб)- Ютқаздинг, ютқаздинг.
Кўзивой- Арча бўлмаса, нима?
Ялмоғиз - Қишин-ёзин кўм-кўк турса, тикани бўлса, арча бўлаверадими?
Кўзивой- Айтинг бўлмаса.
Ялмоғиз - «Кактус» деган гулни биласанми? Уйда тувақларда ўстирилади.

Алдар Кўса- Боя кўрувдим, мактабинглардаям бор экан. Худди типратиканга ўхшайди. Тикани бор... Қишдаям, ёздаям кўм-кўк...
Ялмоғиз- Ютқаздингми, Кўзивой? Кўзивой (хўрсиниб) - Ютқаздим... (У ҳам хафа бўлиб бир чеккага ўтади. Ялмоғиз билан Алдар Кўса хурсанд бўлиб ўйинга тушиб кетадилар)
Шу пайт эшик ёнига Бола билан Қизча келишади. Хафа бўлиб турган Кўзивой билан Маликани кўришади.
Бола - Нима бўлди Кўзивой, тинчликни?
Қизча- Сен нега хафасан Малика? Ким хафа қилди?
Малика - Мана булар... (Ялмоғиз билан Алдар кўсани кўрсатди)
Алдар Кўса - Биз сираям хафа қилмадик, алдашаяпти. Ўзлари топишмоқлар жавобини топишолмади.

Кўзивой - Алдаяпсиз, Алдар Кўса амаки. Сиз бизни лақиллатдингиз.
Алдар Кўса - Мана буниси энди ёлгон. Ё тавба, шунақаям аллоқчи бўладими?
Ялмоғиз- Тўппа- тўғри, ўзларинг на «от» ни на «кактус»ни тополдинглар.
Бола- Демак, ютдик, денглар?
Ялмоғиз (кафтларини бир-бирига ишқаб)- Биз ютдик, биз ютдик.
Қизча- Унақада биз ҳам сизларга битта топишмоқ айтамыз. Агар тополмасанглар ҳаммамиз ичкарига кириб кетамиз. Агар топсанглар... Ҳаммамиз шу ердан қайтамыз.
Алдар Кўса- Бўпти, айтақол қақилдоқ.
Ялмоғиз - Сен жим тур, шақилдоқ.
Бола- Яхшилаб эшитинглар... Биз бу йил нечанчи йилни кутиб олдик?

ўтирармидим.
Алдар Кўса- Унда нима қиламиз?
Ялмоғиз- Манави залда ўтирган болалардан сўраб биламиз
Алдар Кўса- (Бола билан қизчага) Майлими?
Қизча- Майли, фақат ютқазганларингизни тан олсаларингиз бўлди.
Ялмоғиз- Ютқаздик, ютқаздик.
Бола- Шаҳар берасизларми?
Алдар Кўса- Қайси шаҳарни? Самарқандними, Бухороними?
Қизча- Бутун Ўзбекистонни.
Ялмоғиз - (Хўрсиниб)-майли.
Бола- Ана энди болалардан сўрай қолинглар.
(Ялмоғиз болалардан 2000 йил қанақа йил деб эълон қилинди,- дейб сўрайди. Болалар жўр бўлиб Соғлом авлод йили, деб жавоб берадилар. Қарсак товушлари янграйди. Шу пайт ичкаридан бошига сеҳрли қалпоқча кийган Хошимжон югуриб чиқади.)
Хошимжон- Ия, сизлар бу ерда нима қилиб турибсизлар?
Арча байрами бошланиб кетдику.
Кўзивой- Қорбобо билан Қорқиз ҳам келишдимми, Хошимжон ака.
Хошимжон - Йўқ, ҳали. Лекин бошқа ҳамма шу ерда. Зумрад Қиммату, Муқбил Тошотардан тортиб, Насриддин Афанди бобогача, Шум боладан тортиб, барон Мюнҳаузену, Қовоқвой ва Чаноқвойларгача, Том Жерриллардан тортиб Аламазонларгача шу ерда...
Малика- Вуй, зўрку. Юринглар ҳаммамиз ичкарига кетдик.
Ялмоғиз- Биз-чи?
Кўзивой- Сизлар шу ерда қолаверасизлар.
Қизча- Бир-бирларингга топишмоқ айтиб ўтираверасизлар.
Алдар Кўса- Унақа қилманглар.



Алдар Кўса- Топдик, топдик. 2000 йилни.
Қизча- Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хўп, ана шу 2000 йил қанақа йил деб эълон қилинди?
Ялмоғиз- Қанақа йил деб эълон қилинди?
Бола- Бунисини сизлардан сўраймиз.
Қизча- Топинглар, топинглар. Топган топалоқ...
Бола- Топмаса иши чатоқ... (Ялмоғиз билан Алдар Кўса у ёқ бу ёққа юриб кўрсатгич бармоқларини пешоналарига тираб ўйлай бошлайдилар)
Ялмоғиз - Топдингми, Алдар Кўса.
Алдар Кўса- Каллам яхши ишламаяпти, Ялмоғиз буви.
Ялмоғиз - Қачон яхши ишлаган эди, ўзи.
Алдар Кўса- Ўзингиз топдингизми?
Ялмоғиз- Топсам сендан сўраб

Бизнинг ҳам арча байрамини кўргимиз келаяпти. Энди сираям алдамайман.
Ялмоғиз- Мен ҳам ҳеч кимга ёмонлик қилмайман. Аёз хола, Совуқхонларнинг айтганларини қилмайман. Кўзивой- (Болаларга) Буларни ҳам арча байрамга олиб киримизми, болалар.
Болалар- Майли, кира қолишсин.
Алдар Кўса- Раҳмат сенга Кўзивой.
Кўзивой- Менга эмас, болаларга раҳмат айтинг Алдар Кўса амаки.
Ялмоғиз- Раҳмат, раҳмат.
Малика- Қани сизлар ҳам, марҳамат.
Бола - Бизни чорлаб турибди Ўртадаги арчамиз
Қизча- Ўйнаб куламыз, юринг, Сизу бизу барчамиз...
(Ҳаммалари қўл ушлашиб мусиқа садолари остида ичкарига кириб кетадилар.) Парда.
Эркин УСМОНОВ.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Дадахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Феруза ОДИЛОВА,
Эргашвой САРИҚОВ,
Баҳодир ҲАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида офсет усулида 43.351 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - К-7509
Газетани PENTIUM тпх компьютерида Абдухамид АБДУҒАФФОРОВ саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз 700129,
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 30-уй.
Тел: 144-62-34